

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЭШМАТОВ ФОЗИЛ ХИДИРОВИЧ**

**АНОР ШАРБАТИ КИСЛОТАЛИЛИГИНИ РОСТЛАШ ВА ХИРАЛИК  
КЎРСАТКИЧИНИ ПАСАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эшматов Фозил Хидирович**

Анор шарбати кислоталилигини ростлаш ва хиралик кўрсаткичини  
пасайтириш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Эшматов Фозил Хидирович**

Разработка технологии регулирования кислотности и понижения  
показателя мутности гранатового сока..... 21

**Eshmatov Fozil Khidirovich**

Processing technology of regulation of acidity and lowering parameters of  
turbidity of pomegranate juice..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЭШМАТОВ ФОЗИЛ ХИДИРОВИЧ**

**АНОР ШАРБАТИ КИСЛОТАЛИЛИГИНИ РОСТЛАШ ВА ХИРАЛИК  
КЎРСАТКИЧИНИ ПАСАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т237 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Додаев Қўчқор Одилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қурбонов Жамшед Мажидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Захро Рахматовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti\_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**С.М. Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби т.ф.д., профессор

**Ҳ.С. Нурмухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда анор мевасини етиштириш 3,086 млн. т-ни ташкил этади. Жумладан, «2016 йилда Ҳиндистон – 900 минг т, Эрон – 800, Хитой – 290, Туркия – 220, АҚШ – 200, Покистон – 120, Афғонистон – 90, Тунис – 85, Озарбайжон – 82, Сурия – 79, Ўзбекистон – 60 минг т ҳосил етиштирилган»<sup>1</sup>. Шу сабабли, кўпгина илмий ишлар анор мевасини қайта ишлаб, шарбат, концентрат ва бошқа ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилган технологияларни жорий этишни жадал ривожлантиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида инсоннинг кундалик овқатланиши рационали яратишда табиий витаминлар, микро- ва макроэлементларга бой бўлган мева-сабзавотлар, жумладан анор мевасини қайта ишлаб, табиий компонентлари максимал сақлаб қолинган шарбати ва концентрати олишнинг илмий асосда ишлаб чиқилган замонавий технологияларини қўллаш, шунингдек маҳсулотларнинг истеъмолбоплик сифатини яхшилаш, озикавий хавфсизлиги ва биологик қимматини ошириш, маҳаллий хомашё ресурсларидан рационал равишда фойдаланиб, тайёр маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, харажат ва таннархини камайтириш каби долзарб йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизнинг озик-овқат саноатида мева-сабзавотларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш, экспортбоп шарбатлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар саноат миқёсида жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада жумладан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича тадбирлар дастури ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2015-2020 йилларда сифатли озик-овқат билан таъминлаш бўйича тадбирлар концепцияси ва комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716 сонли «2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги,

<sup>1</sup> <http://www.ozon.ru/context/detail/id/5150020/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Анор мевасини қайта ишлаб шарбат олиш, уни тиндириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, тайёр маҳсулот чиқишини ошириш бўйича А.С. Карашарли, Л.Б. Габассова, Т.А. Лисогор, Джорж Абдалла Ботрус, Г.К. Гафизов, Л.Г. Семочкина, Бенамара Салем, Хайдар Хасан, С.Х.Абдураззакова, Р. Нормохаматов, Қ.О. Додаев ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Булар томонидан анор мевасини комплекс қайта ишлаш, шарбат ва концентрат чиқишини ошириш, тиндириш жараёнини оптимал режимларини аниқлаш, замонавий технологиялар базасида анорнинг қайта ишланган маҳсулотларини ишлаб чиқаришни юқори поғонага кўтаришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Шу билан бирга анор шарбати ва концентратининг кислоталилик даражасини меъёрлаштириш, табиий рангини сақлаш, хиралик кўрсаткичини пасайтириш имкониятларини берувчи янги технологияни яратиш, шарбат ва концентрат ишлаб чиқариш соҳасида анион алмашиниш ҳамда фермент билан ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-065 «Кимёвий ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежовчи, экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқиш» (2018-2020), ОТ-А12-20 «Ўсимлик хом ашёсини қайта ишлашдаги чиқитлардан биологик фаол қўшимчаларни комплекс олиш технологиясини такомиллаштириш» (2017-2018) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кислоталилиги меъёрлаштирилган ҳамда хиралик кўрсаткичи пасайтирилган анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

анион алмашиниш усулида анор шарбати кислоталилигини ростлаш жараёнини аниқлаш;

анор шарбати хиралиги сабабларини тадқиқ қилиш ва бартароф этиш усулини яратиш;

микроорганизмлар фаолияти асосида танинни парчалаш учун зарур бўлган фермент препаратини олиш;

анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** анор меваси, анор шарбати ва концентрати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** анор шарбатида бажариладиган анион алмашилиш жараёни, ферментлар ва ферментлаш жараёнлари. Биополимерлардан ферментлаш йўли билан бартараф этилган шарбатни тиндириш жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш методлари, хом шарбат олиш босқичида органик кислоталарни анион алмашилиш усулида йўқотиш ва танинни ферментлаш жараёнларини амалга ошириш режимларини шакллантириш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида реактивлар тайёрлаш, курук моддани аниқлаш, умумий ва фаол кислоталиликни аниқлаш методларидан фойдаланилган. Шарбат хиралик кўрсаткичи турбидиметрик ҳамда ранг кўрсаткичи спектрофотометрик усулда аниқланган. Шарбат таркибидаги танин моддаси фотоколориметрик усулда, яъни олдиндан тайёрлаб олинган калибр жадвали асосида аниқланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анион алмашилиш усулида адсорбциялаш ва ферментлаш жараёнини киритиш ҳисобига анор шарбати хиралик кўрсаткичинини камайтириш аниқланилган;

анор шарбатининг умумий ва фаол кислоталилигини анион алмашилиш жараёнини қўллаб, ростлаш йўли билан меъёрлаштириш усули яратилган;

анор пўстлоғи ва ички пардаси таркибидан унинг шарбатига экстракцияланиб ўтган танинни ферментлаб парчалаш усули яратилган;

маҳаллий анор мевалари асосида шарбат ва концентрат олиш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

нордон анор меваларидан қайта ишлаб олинган шарбатдаги меъёрдан ортик органик кислоталарни анион алмашилиш усулида камайтириш технологияси яратилган;

*Aspergillus niger* микроорганизмидан ажратиб олинадиган танинни парчалай оладиган фермент препарати олинган;

анор шарбатини тиндириш босқичида биополимерларни фермент ёрдамида парчалашнинг оптимал шароитлари яратилган;

анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш технологик линияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал натижаларни олишда юқори аниқликдаги рН-метрлар, электрон титрантлар ва аналитик тарозилар, MATLAB 6.5, STATISTICA 6.0 каби замонавий компьютер дастурлари, Windows XP, Microsoft Excel каби операцион муҳитлардан фойдаланилган, математик моделларнинг аниқлиги ва кўрилатган соҳа бўйича уларни баҳолаш мезонларининг айнан бир хиллиги, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг реал ишлаб чиқариш маълумотлари билан қиёсий таҳлилига кўра асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, нордон анор меваларидан қўшимчаларсиз кислоталилиги меъёрлаштирилган шарбат ва концентрат ишлаб чиқариш, хиралик кўрсаткичинини фермент билан ишлов бериб камайтириш

жараёнларини саноатда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ёритилди. Ушбу жараёнларни ишлаб чиқаришда қўллаб халқаро стандарт талабларига жавоб бера оладиган анор шарбати ва концентрати олиш мумкинлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, анор шарбати биополимерларини ферментлаш жараёнлари параметрлари, органик кислоталарнинг анион алмашинувчи смолага экспериментал адсорбцияланиш жараёни оптимал параметрлари ҳамда ранг кўрсаткичини яхшилашга доир эксперимент ишлари амалга оширилди. Анор шарбати кислоталигини меъёрлаштириш ва хиралик кўрсаткичини камайтириш орқали халқаро стандарт талабларини таъминловчи анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини оширади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анор шарбати кислоталигини ростлаш ва хиралик кўрсаткичини пасайтириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

анор шарбати таркибидаги органик кислоталарни анион алмашиши усулида қисман йўқотилиши асосида шарбат кислоталигини ростлашнинг такомиллаштирилган технологияси «Supreme servis» масъулияти чекланган жамиятда амалиётга жорий қилинган («Ўзбеккозиковқатхолдинг» ХК 2017 йил 16 ноябрдаги АС/05-2-3491 - сон маълумотномаси). Натижада шарбат ва концентрат сифати яхшилانган ва ишлаб чиқариш самарадорлиги 18% га ошиши имконини берган;

анор шарбати ишлаб чиқариш линиясида хиралик кўрсаткичини камайтириш жараёни «SAYONAT AGRO MAHSULOT» масъулияти чекланган жамиятда амалиётга жорий этилган («Ўзбеккозиковқатхолдинг» ХК 2017 йил 16 ноябрдаги АС/05-2-3491 - сон маълумотномаси). Натижада NTU кўрсаткичи керакли чегарагача камайтирилган анор шарбатини ишлаб чиқаришга эришилган, самарадорлик 20% га ошиши имконини берган;

сифат кўрсаткичлари самарали яхшиланган анор шарбати ва концентратини олиш технологияси «GREEN WORLD» қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбеккозиковқатхолдинг» ХК 2017 йил 16 ноябрдаги АС/05-2-3491 - сон маълумотномаси). Тайёр маҳсулот экспортга йўналтирилган, ишлаб чиқариш самарадорлиги 23% га ошиши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 3 та хорижий ва 3 та республика журналларида чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 112 бетдан иборат бўлиб, 34 та расм ва 23 та жадвални ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий қиймати очилган, ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳақида маълумотлар келтирилган, чоп этилиш даражаси ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хомашё тавсифи, қайта ишлаш маҳсулотлари. Технология ва жиҳоз»** деб номланган биринчи бобида анор мевасининг ботаник тавсифлари таҳлил қилинган, тадқиқот ишининг объекти сифатида анор мевасини технологик хусусиятлари ва унинг параметрлари ҳақидаги маълумотлар тизимга солинган. Анор мевасининг кимёвий таркиби, озуқавий қиймати ва шифобахш хоссалари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Анор мевасидан олинадиган тайёр ва яримтайёр маҳсулот ассортиментлари бўйича маълумотлар келтирилган. Анор меваси ва шарбатини қанд-кислота индекси бўйича солиштиришнинг таҳлилий маълумотлари баён этилган. Анор мевасини комплекс қайта ишлаш техника ва технологияларидаги камчилик ва муаммолар чуқур таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг асосий концепцияси шакллантирилган.


Диссертациянинг **«Анор шарбатидаги органик кислоталар миқдорини ростлаш ва таннинни қисман йўқотишнинг анион алмашиниш усули»** деб номланган иккинчи боби ЭДЭ-10П, IRA-958 ва 313 маркали анион алмашинувчи смолаларнинг адсорбциялаш жараёни оптимал параметрларини тажриба йўли билан аниқлашга бағишланган.

Ўзбекистонда етиштирилган ва саноат миқёсида қайта ишлашга мўлжалланган анор мевалари 75-85%-ининг кислоталилиги 1,5-2,9% ни ташкил этади (лимон кислотаси кўп миқдорда). Анор меваси ёки шарбати кислоталилиги юқори бўлиши, биринчидан, инсон соғлигига салбий таъсир этади, иккинчидан, шарбат ва концентрат ишлаб чиқариш технологик жараёнларида, аникроғи, ферментлаш босқичида қатор муаммоларни вужудга келтиради.


Нордон анор меваларидан шарбат ва концентрат олишда пайдо бўладиган технологик муаммолар саноат миқёсида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шарбат таркибидаги крахмал ва пектин моддалари технологияда ферментлаш босқичида парчалангани ва бартараф этилади. Шарбат технологиясида ишлатиладиган фермент препаратлари муҳит рНи ~ 4,0-4,6 бўлганда фаол ишлайди, нордон анор шарбатларида эса муҳит рНи бу кўрсаткичдан анча паст бўлади.

Бу муаммо, яъни шарбат таркибидаги отриқча органик кислоталар анион алмашиниш технологияси йўли билан ҳал этилади. Тадқиқот тажриба ишлари ТКИТИ «Озиқ-овқат хавфсизлиги» ва «Биотехнология» кафедраси лабораторияларида ЭДЭ-10П, IRA-958 ва 313 маркали анионитлардан

фойдаланган ҳолда ўтказилган. Анор шарбати ва концентратининг физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланган. ЭДЭ-10П ва IRA-958 маркали анионитлар билан ишлов берилгандаги анор шарбати  $pH$ ни вақтлар бўйича ўзгариши натижалари 1-2 расмда тасвирланган.



**1-расм.** ЭДЭ-10П анионитининг турли миқдорида анор шарбати фаол кислоталилигининг ( $pH$ ) вақтлар давомида ўзгариши.



**2-расм.** IRA-958 анионитининг турли миқдорида анор шарбати фаол кислоталилигининг ( $pH$ ) вақтлар давомида ўзгариши.

Анионит билан ишлов берилган анор шарбати умумий кислоталилиги аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Анионит билан ишлов берилгандан кейинги анор шарбати умумий кислоталилигининг камайиши натижалари (шарбатнинг дастлабки кислоталилиги - 1,668 %)**

Физик-кимёвий кўрсаткич	Анионит массаси, г		
	2,0	6,0	10,0
Анор шарбати умумий кислоталилиги (ЭДЭ-10П), %	1,376	1,267	0,947
Анор шарбати умумий кислоталилиги (IRA-958), %	1,472	1,44	1,184

**2-жадвал**

**Анионитга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори**

Физик-кимёвий кўрсаткич	Анионит массаси, г		
	2,0	6,0	10,0
ЭДЭ-10П маркали анионитга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори, %	0,292	0,401	0,721
IRA-958 маркали анионитга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори, %	0,196	0,228	0,484

Юқоридаги тажриба натижаларидан фойдаланган ҳолда, ЭДЭ-10П ва IRA-958 маркали анионитларга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори аниқланди (2-жадвал).

1 г анионит адсорбциялаб олган органик кислоталар миқдори аниқланган ва натижалар 3-жадвалда берилган.


40<sup>0</sup>С ҳароратда ЭДЭ-10П анионит билан тажриба ўтказилганда қуйидаги натижалар олинди (3-расм): 2 г-да - 1,25%; 4 г - 1,168%; 6 г - 1,108%; 8 г - 1,056%; 10 г - 0,938%.

**3-жадвал**


**Анионитга адсорбцияланган ва 1 г анионит адсорбциялаб олган органик кислоталар миқдори**

Органик кислоталарнинг адсорбцияланиш кўрсаткичи	Анионит массаси, г		
	2,0	6,0	10,0
ЭДЭ-10П маркали анионитга адсорбцияланган 500 мл анор шарбатидаги органик кислоталар миқдори, г	1,533	2,105	3,785
1 г ЭДЭ-10П маркали анионитга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори, г	0,7665	0,3508	0,3785
IRA-958 маркали анионитга адсорбцияланган 500 мл анор шарбатидаги органик кислоталар миқдори, г	1,029	1,197	2,541
1 г IRA-958 маркали анионитга адсорбцияланган органик кислоталар миқдори, г	0,5145	0,1995	0,2541

40<sup>0</sup>С ҳароратда IRA-958 анионит билан тажриба ўтказилганда қуйидаги натижалар олинди (4-расм): 2 г-да - 1,469%; 4 г - 1,405%; 6 г - 1,369%; 8 г - 1,260%; 10 г - 1,142%.



**3-расм. 40<sup>0</sup>С ҳароратда ЭДЭ-10П анионитнинг турли миқдорида анор шарбати кислоталигининг ўзгариш динамикаси.**





**4-расм. 40<sup>0</sup>С ҳароратда IRA-958 анионитнинг турли миқдорида анор шарбати кислоталигининг ўзгариш динамикаси.**

Анор шарбати таркибидаги органик кислоталарнинг анионитга адсорбцияланиши ҳароратга кам боғлиқлигини тажриба натижалари (5-расм) кўрсатди, органик кислоталарни адсорбциялаш жараёни учун 40<sup>0</sup>С ҳарорат танланди.

Нордон анор меваларидан янги сиқиб олинган шарбат кислоталигини камайтириш учун 313 маркали (Хитой) анионит фойдаланилган. Анионитга органик кислоталарнинг адсорбцияланиш жараёни смола миқдорига пропорционал миқдорда эканлиги 6-расмда тасвирланган графикда кўриниб турибди, яъни анионитнинг шарбатга нисбатан миқдорий жиҳатдан ошиши жараёнини жадаллаштиради.

Ўтказилган тажрибалардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нордон анор меваларидан олинган шарбат кислоталилигини ростлашда имкон қадар максимал анионит сарфидан фойдаланиш зарур. Эксперимент натижалари асосида ишлаб чиқариш технологлари учун анор шарбати кислоталилигини анионалмашиниш йўли билан ростлашнинг ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш мумкин.



**5-расм. Анор шарбати умумий кислоталилигининг ҳароратга боғлиқлиги.**

**6-расм. 313 маркали анионитнинг турли вариацияли массасида анор шарбати кислоталилигининг ўзгариши динамикаси.**


Диссертациянинг «Анор шарбати хиралик кўрсаткичини пасайтириш технологияси» деб номланган учинчи боби анор шарбати ва концентратида хираликнинг пайдо бўлиши сабабларини ўрганишга ва таҳлил қилишга, ишлаб чиқариш ва сақлашда шарбатнинг барқарор рангини таъминлашга ҳамда тахирликни бартараф этишга бағишланган. Халқаро стандартлар (ISO) ва НАССР хавфсизлик талабларига мос келадиган хиралик ва ранг кўрсаткичининг барқарорлигини таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Хиралик ва чўкма компонентлари кимёвий таркибини ўрганиш учун Ўзбек-Турк «Эл-Кол» кўшма корхонаси ва Ўзбекистон-Корея-АҚШ «Green World» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган анор шарбатларидан фойдаланилган. Анор шарбати ва концентратини совутилган камераларда ( $t=2-3^{\circ}\text{C}$ ) сақлаш давомида уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўзгариши тадқиқ этилган. Аниқроғи, анор шарбати хиралик кўрсаткичи узлуксиз ошиб боради, ранги эса жигарранг тусга айланиб боради. Тажриба учун «Эл-Кол» (№1) ва «Green World» (№2) анор шарбатлари намуна қилиб олинган. Шарбатнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, жумладан қуруқ модда, умумий кислоталик (лимон кислотага ҳисобланган), хиралик кўрсаткичи, ранг кўрсаткичи ва чўкма миқдори аниқланган.

Янги олинган анор шарбатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил натижалари куйидагича бўлган: ишлаб чиқариш пайтида №1 рақамли - шарбатнинг қуруқ модда миқдори 13% ни, бир ойдан сўнг – 13%, 2 ойдан сўнг – 12,9%, 3 ойдан сўнг – 12,73%, 4 ойдан сўнг – 12,5% ва 5 ойдан сўнг – 12,2% ни ташкил этган. №2 рақамли - шарбатнинг қуруқ модда миқдори 12,8% ни, бир ойдан сўнг – 12,8%, 2 ойдан сўнг – 12,74%, 3 ойдан сўнг – 12,53%, 4 ойдан сўнг

– 12,3% ва 5 ойдан сўнг – 11,9%ни ташкил этган. 5 ой давомида сақлашда қуруқ моддалар фарқи мос равишда 0,8% ва 0,9%ни ташкил этган. Қуруқ модданинг камайиши ошловчи моддалар билан бирга қисман чўкмага тушиши билан кетиши тадқиқ этилган.

Шарбат умумий кислоталилиги №1 да 1,3% дан 1,26% гача, 1,4% дан 1,3% гача камайган. 5 ой давомида сақланган анор шарбатида чўкма миқдори 1-намунада 0% дан 0,46% гача, 2-намунада 0% дан 0,5% гача ошган



7-9-расмларда келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, шарбатларни сақлаш давомида 2 та намунада ҳам хиралик кўрсаткичи ва чўкма миқдори ошган, ранг кўрсаткичи ёмонлашган.

Шарбат қуруқ модда миқдори ва умумий кислоталилиги жуда кам ўзгарган.



**7-расм. Шаффофлантирилган анор шарбати (№1, №2) хиралик кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши.**

Шарбатни сақлаш давомида пайдо бўлган чўкма ажратиб олинди, қурилди ва кукун ҳолатигача майдалаб олинди. Чўкма таркиби лаборатория шароитида тажриба йўли билан тадқиқ қилинди. Сақлаш давомида яримтайёр ва тайёр маҳсулотларда бўлиб ўтаётган биокимёвий ўзгаришлар, яъни шарбат хиралик кўрсаткичининг ёмонлашиши барча ассортиментларга тегишлидир. Анор шарбати ва концентратини 5 ой мобайнида сақлашда пайдо бўлган чўкма ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Ҳозирги кунда бирламчи шарбат олиш технологиясида анор пўстлоғи ва ички юпқа пардасидан танинни шарбатга экстракцияланишининг олдини олиш имконияти мавжуд эмас. Бу анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқаришда қатор муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади, биринчидан, танин шарбатга ёқимсиз тахир маза беради. Иккинчидан, шарбат ёки концентрат таркибидаги танин икки ойдан кўп сақлаш давомида ўзаро полимерланади, шарбат таркибидаги антоцианлар билан қисман ўзаро функционал реакцияга киришади ва бунинг натижасида шарбат ранги жигарранг тусга айланиб боради (8-9 расм). Бундан ташқари, танин шарбат кислоталилигини меъёрдагидан ортиқроқ ҳис қилинишига олиб келади.

Шарбат ёки концентратнинг икки ойдан ортиқроқ сақланиши давомида уларнинг таркибидаги таниннинг ўзаро полимерланиши натижасида шарбат хиралик кўрсаткичининг ошиб кетишини ишлаб чиқаришдаги амалий кузатувлар кўрсатди. Таниннинг ўзаро полимерланишидан йирик молекулали биополимер ҳосил бўлади ва бу хираликнинг пайдо бўлишига асосий омил эканлиги билан тушунтирилади. Кейинчалик бу хиралик ўзаро йириклашиб шарбатда пайдо бўладиган чўкмани келтириб чиқаради. Юқорида қайд этилган

камчиликлар ҳозирги кунда фаолият юритаётган барча анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқарувчи корхоналарда мавжуд.



**8-расм. №1-«Эл-Кол» шаффофлантилган анор шарбати ранг кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши.**


**9-расм. №2-«Green World» шаффофлантилган анор шарбати ранг кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши.**

Шаффофлантилган анор шарбати хиралик кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши 10 ва 12-расмларда келтирилган. Шарбат хиралик кўрсаткичи сақлашга қўйилган 1-кундан бошлаб 80-кунгача доимо ошиб боришини (30 кундан кейин – 4, 80-кундан кейин – 9,7) ва 90-кундан кейин 8,2 га етганлигини 11 ва 13-расмларда тасвирланган эгри чизиқлар тахлили кўрсатмоқда. Иккала шарбат намуналарида ҳам ушбу натижалар кузатилган. Жараённинг бундай кетиши ошловчи моддаларнинг ўзаро полимерланиши билан бирга биополимерларнинг қисман диссоцияланиши билан тушунтирилади. Ҳосил бўлган биополимернинг қайта диссоцияланиши 90-кунда кузатилди. Сўнгра шарбат хиралик кўрсаткичи ўзгариши 120-кунда 11,4 га ва 150-кунда 11,7 га ошганлиги кузатилган. Анор шарбати ва концентратида хираликнинг ҳосил бўлишини бартараф этиш учун бирламчи шарбатда танин моддасини қисман йўқотиш зарур. Шарбат таркибида таниннинг мумкин бўлган қолдиқ концентрациясини аниқлаш вазифаси турибди.

ЎЗР ФА Микробиология илмий-тадқиқот институти «Микроорганизмлар ферментлари» лабораториясида танинни ферментлаш усулида парчалаш бўйича тажриба ишлари ўтказилган ва унинг қиймати анор шарбати ишлаб чиқариш технологиясида талаб қилинадиган органолептик кўрсаткичлар даражасига етказилган. Тажриба ишининг мақсади этиб шарбат таркибидаги танинни парчалаш йўллари Микробиология институти «Микроорганизмлар ферментлари» лабораториясидаги мавжуд микроорганизмлар штаммларидан селектив танлаб топиш деб қўйилган. Хиралик кўрсаткичи  $NTU < 4$  бўлган, яъни танин миқдори ферментлаш усулида меъёрлаштирилган анор шарбати олиш технологиясига эришиш ҳисобланади.


Тажриба ишининг моҳияти танинни парчаловчи фермент препаратлари ишлаб чиқарадиган *Pleurotus ostreatus*, *Aspergillus oryzae*, *Aspergillus niger*, *Aspergillus terreus* ва *Saccharomyces cereusae* микроорганизм штаммларини

тадқиқ этишдан иборат.




1-назарий эгри чизиғи; 2-тажриба эгри чизиғи

**10-расм. №1-«Эл-Кол» шаф-фолантирилган анор шарбати хиралик кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши.**




1-назарий эгри чизиғи; 2-тажриба эгри чизиғи

**11-расм. №1-«Эл-Кол» шаффоф-лантирилган анор шарбати хиралик кўрсаткичининг ўзгариш динамикаси.**



1-назарий эгри чизиғи; 2-тажриба эгри чизиғи

**12-расм. №2-«Green World» шаф-фолантирилган анор шарбати хиралик кўрсаткичининг вақтлар давомида ўзгариши.**



1-назарий эгри чизиғи; 2-тажриба эгри чизиғи

**13-расм. №2-«Green World» шаф-фолантирилган анор шарбати хиралик кўрсаткичининг ўзгариш динамикаси.**

Тажриба ишларини ўтказиш учун *Pleurotus ostreatus*, *Aspergillus oryzae*, *Aspergillus niger*, *Aspergillus terreus* ва *Saccharomyces cereusae* микроорганизм штамmlаридан фойдаланилган. Бу микроорганизм штамmlарини ўстириш учун Чапек муҳитидан фойдаланилган. Чапек муҳити 0,5-1,0 атм босимда 30-60 дақ давомида стерилланади.

Ўтказилган тажриба натижалари бўйича *Aspergillus niger*, *Aspergillus oryzae* ва *Aspergillus terreus* микроорганизм штамmlарининг тоза танин ва анор пўстлоғи кукуни қўшиб тайёрланган суюқ ҳамда қаттиқ Чапек муҳитида ўса олганлиги, яъни уларнинг кўпайиши аниқланган. Бу тажрибадан хулоса қилиш мумкинки, микроорганизм штамmlари маълум вақт давомида анор танинига (шарбат ва пўстлоғидаги) адаптацияланди, яъни уни парчалаш учун фермент ажратди.

Танназа ферменти фаоллиги тажриба асосида аниқланган. Ўтказилган

тажриба натижалари фермент фаоллиги 1-кундан 8-кунгача ортиб борганлигини, сўнгра камайганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, фермент фаоллиги юқори бўлган *Aspergillus niger* ва *Aspergillus oryzae* микроорганизм штамлари кейинги тажриба ишларини давом эттириш учун танлаб олинган. Бу микроорганизм штамлари маълум вақтлар давомида анор пўстлоғи кукуни кўшилган муҳитда яхши яшай олди, яъни адаптацияланди. Олинган натижалар таҳлили 13-кун давомида суяқ муҳитда *Aspergillus niger* микроорганизм штамми *Aspergillus oryzae* микроорганизм штамидан жадалроқ ўсганлигини кўрсатди. Тажриба натижалари кузатуви қаттиқ муҳитда иккала микроорганизм штамлари бир хил ўсганлигини кўрсатди.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, *Aspergillus niger* штаммининг 8-суткада ажратган фермент фаоллиги 1 %-ли танин эритмаси билан текширилганда энг юқори натижа берган (танин миқдори 0,35% гача камайган).

#### 4-жадвал

##### Танназа ферменти фаоллигини солиштириш жадвали

Фермент тури		Оптик зичлик, D	Танин миқдори, %						
		8-сутка		11-сутка		29-сутка		40-сутка	
<i>Aspergillus niger</i>	Контроль	0,95	0,75	0,67	0,759	0,46	0,535	0,49	0,564
	Тажриба	0,7	0,4	0,63	0,716	0,4	0,471	0,44	0,514
<i>Aspergillus oryzae</i>	Контроль	-	-	0,8	0,891	0,62	0,705	0,7	0,79
	Тажриба	-	-	1,05	1,1	0,62	0,705	0,7	0,79

Юқорида кетма-кетликда ўтказилган тажрибалардан олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкин, *Aspergillus niger* штамми ажратган ферментлар таркибида танинни парчаловчи танназа ферменти мавжуд. Эксперимент йўли билан олинган натижалар асосида кейинги тажриба ишлари фақат *Aspergillus niger* штамми билан анор пўстлоғи муҳитида олиб борилди.

#### 5-жадвал

##### *Aspergillus niger* штамми ишлаб чиқарган танназа ферменти фаоллиги

Сутка	Танин миқдори, %		Фарқи, %	Оқсил миқдори, мг/мл
	Контроль	Тажриба		
1	0,674	0,622	0,052	1,95
5	0,388	0,33	0,058	1,825
7	0,42	0,366	0,054	1,03
8	0,45	0,398	0,052	2,18
9	0,41	0,41	0	1,03

5-жадвалдан кўриниб турибдики, *Aspergillus niger* штаммининг 8-суткада ишлаб чиқарган умумий оқсил миқдори энг кўп 2,18 мг/мл ни ташкил этди.

6-жадвалдан кўриниб турибдики, этил спирт билан олинган чўкмада оқсил

миқдори 1,6 мг/мл-ни, аммоний сульфат билан ишлов берилган культура суюқлиги суюқ қисмида эса 2,52 мг/мл-ни ташкил этган. 7-жадвалдан кўриниб турибдики, танин эритмаси 95%-ли этил спирт билан чўктириб олинган оксил-фермент билан ишлов берилганда оптик зичлик сувга нисбатан текширилганда ҳам, 0,5%-ли танин эритмасига нисбатан текширилганда ҳам эритмадаги таниннинг максимал камайиши кузатилди:  $D_{H_2O}$  – 0,08 %,  $D_T$  - 0,17 %.

#### 6-жадвал

**Культура суюқлигидаги (КЖ) ва ундан ажратиб олинган чўкма таркибидаги оксил миқдорини Лоури методи бўйича аниқлаш натижалари**

Культура суюқлиги ва ундан ажратиб олинган чўкмага ишлов бериш усуллари	Оксил миқдори, мг/мл
95 %-ли этил спирти билан олинган чўкмада	1,6
Ацетон билан олинган чўкмада	1,21
Аммоний сульфат билан олинган чўкмада	1,34
Культура суюқлиги суюқ қисмида (95 %-ли этил спирти билан ишлов берилган)	1,26
Культура суюқлиги суюқ қисмида (Ацетон билан ишлов берилган)	1,04
Культура суюқлиги суюқ қисмида (Аммоний сульфат билан ишлов берилган)	2,52

#### 7-жадвал

**Танназа ферменти фаоллигини солиштириш жадвали**

Ишлов бериш усули	Танин миқдори, % (оптик зичлик $D_{H_2O}$ сувга нисбатан ҳисобланган)		Танин миқдори, % (оптик зичлик $D_T$ 0,5%- ли танин эритмасига нисбатан ҳисобланган)	
	Контроль	Тажриба	Контроль	Тажриба
95 %-ли этил спирт билан чўктириб олинган оксил-фермент билан ишлов берилганда	1,24	1,16	0,61	0,44
Ацетон билан чўктириб олинган оксил-фермент билан ишлов берилганда	1,2	1,28	0,528	0,504
Аммоний сульфат билан чўктириб олинган оксил-фермент билан ишлов берилганда	1,22	1,2	0,48	0,44
Культура суюқлиги суюқ қисмида (95 %-ли этил спирти билан ишлов берилган)	0,141	0,1284	0,0672	0,0528
Культура суюқлиги суюқ қисмида (ацетон билан ишлов берилган)	0,1096	0,12	0,0312	0,042
Культура суюқлиги суюқ қисмида (аммоний сульфат билан ишлов берилган)	0,296	0,2192	0,1784	0,1348

Анор шарбати таркибидаги танинни тажрибалар натижасида ажратиб олинган оксил-фермент ёрдамида парчалашнинг эксперимент ишлари ўтказилган. Шарбат  $pH$  муҳити 3,0 дан 4,0 гача ошганда оптик зичлик сувга


нисбатан текширилганда танин миқдори 0,8 % дан 0,76 % гача, оптик зичлик 0,5 % ли танин эритмасига нисбатан текширилганда танин миқдори 0,8 % дан 0,701% гача камайган. Бундан хулоса қилиб, танназа ферменти учун энг фаол  $pH \sim 4,0$  деб танланди. Танназа ферментининг ҳароратга таъсири тажрибалар асосида тадқиқ этилди ва оптимал ҳарорати аниқланди ( $t=40-45^{\circ}C$ ).

Диссертациянинг «**Анор шарбати тиндириш технологиясини саноат миқёсида синаш**» деб номланган тўртинчи боби анор шарбати кислоталилигини анион алмашиниш усулида ростлаш ва ферментлаш жараёнларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳамда анион алмашиниш реакторини технологияга қўллашга бағишланган.

Тадқиқотлар асосида кислоталилиги ростланган шаффофлангирланган анор шарбати олиш технологиясини такомиллаштиришнинг икки йўли белгиланган. Шарбат кислоталилигини анион алмашиниш усулида ростлаш осон амалга оширилади. Бунинг учун мавжуд линияга органик кислоталарни адсорбциялаб оладиган анион алмашиниш танки киритилган. «Бертуцци» фирмасида ишлаб чиқарилган ускуна ёрдамида анор пўстлоғи ва ички юпка пардаси ажратилади. Аммо бу ускунада анор пўстлоғи ва ички юпка пардасидаги ошловчи модда фрагментларининг шарбатга ўтишини олдини олишнинг имкони йўқ. Анор пўстлоғида танинни ушлаб қоладиган технологияни яратиш мураккаб ҳисобланади, шунинг учун танинни фақат ферментлаб парчалаш усулини амалга ошириш зарур бўлади. Шу сабабли мавжуд технологик линияга танинни ферментлаш жараёни киритилган (14-расм).

Биринчидан, шарбат таркибидаги крахмал ва пектин моддалари мавжуд технологияда ферментлаш йўли билан бартараф этилади. Аммо, фермент ишлаб чиқарувчилар томонидан берилган техник тавсифига кўра амилаза ва пектиназининг шарбатлар учун оптимал  $pH$  кўрсаткичи 3,5-4,5 га тенг. Кўп йиллар давомидаги амалий кузатувлар нордон анор шарбатининг фаол кислоталилиги ( $pH$ ) 3,0 дан паст бўлишини кўрсатди. Шу сабабли шарбатга крахмал ва пектиннинг чала парчаланган фрагментлари ўтиб кетади, бунинг натижасида эса хиралик ва ранг кўрсаткичлари халқаро стандарт талабларидан анча паст бўлган анор шарбати ишлаб чиқарилади. Технологияда бу муаммо, мавжуд линияга анор шарбати кислоталилигини анион алмашиниш усулида ростлаш жараёнини киритиш билан бартараф этилган.

Иккинчидан, мавжуд технологияда анор пўстлоғи ва ички юпка пардасидан шарбатга ўтадиган танинни бартараф этадиган омил йўқ. Танин жуда осон гидролизланадиган модда ҳисобланиб, шарбатга тахир таъм беради, ўзаро полимерланиши ҳисобига катта ҳажмдаги биополимерни ҳосил қилади, бу эса шарбат хиралик кўрсаткичини секин ошиб боришига олиб келади. Бу эса анор шарбати табиий рубин рангини тўсиб қўяди, яъни шарбат жигарранг тусга айланиб қолади. Бу муаммо технологияда ЎзР ФА Микробиология илмий-тадқиқот институти «Микроорганизмлар ферментлари» лабораториясида олинган танназа мавжуд бўлган фермент препаратини ферментлаш босқичида қўллаш билан бартараф этилади.



1-анор қабул қилиш столи; 2-назорат транспортери; 3-ювиш элеватели; 4-анор донасини ажратиш машинаси («Vertuzzi»); 5-анор пұчоғи транспортери; 6-насос; 7-лентали пресс («Flottweg»); 8-анор уруғи транспортери; 9-хом шарбат буфер сифими; 10-шарбат йиғувчи резервуар; 11-сепаратор («Nagema»); 12-пластинкалы иссиклик алмашиниш ускунаси; 13-анионалмашиниш реактори; 14-анионитни ажратиш сепаратори; 15-ферментлаш-елимлаш танки (танназа); 16-чўкмани ажратиш сепаратори; 17-ультрафилтр қурилмасы «Unirestin AG», БС17-ультрафилтр шарбат танки - 17; БД17-ультрафилтр дистиллат танки - 17; 18-уч-корпусли вакуум-буғлатиш қурилмасы «Сhema»; 19-шарбат буфер сифими; 20-тайёр концентрат учун сифим; 21-концентрат учун тузли совуткич; 22-совутилган концентратни йиғиш сифими; 23-вакуум насос; 24-асептик резервуар.

14-расм. Анор шарбати ва концентрати ишлаб чикариш тақомиллаштирилган технологик линияси.

## ХУЛОСА

1. Анор шарбати кислоталилигини анионитлар ёрдамида ростлаш бўйича тадқиқот натижалари анионитлар томонидан органик кислоталарни адсорбциялашнинг юқори даражаси 40<sup>0</sup>С ҳароратда намоён бўлиши ва анионитнинг шарбатга нисбати 10 г / 500 мл бўлганда анор шарбати кислоталилиги 1,668 % дан 0,938 % гача камайиши исботланди.

2. Шарбат таркибидаги танинни парчаловчи энг фаол фермент препарати *Aspergillus niger* микроорганизми томонидан ажратилиши аниқланди.

3. Фермент фаоллиги, шарбатга ишлов бериш жараёнининг режими ва самарали сарф нисбати тавсия этилди.

4. Анор шарбати таркибидаги танин фермент препарати билан ишлов берилиб, фермент фаоллигига шарбатнинг фаол кислоталилиги (рН) ва ҳарорати таъсирининг оптимал қийматлари (рН~4,0-4,5; t=40-45<sup>0</sup>С) тавсия этилди.

5. Мавжуд технологик линияга анион алмашилиш реактори ва танинни фермент препарати билан ишлов бериб парчалаш жараёни киритилиб, анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЭШМАТОВ ФОЗИЛ ХИДИРОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ РЕГУЛИРОВАНИЯ  
КИСЛОТНОСТИ И ПониЖЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЯ  
МУТНОСТИ ГРАНАТОВОГО СОКА**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения  
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/T237.**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Додаев Кучкор Одилович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Курбанов Жамшед Маждович**  
доктор технических наук, профессор

**Ахмедова Захро Рахматовна**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в «\_\_» часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № \_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 г.).

**С.М. Турабджанов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**А.С. Ибодуллаев**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Х.С. Нурмухаммедов**  
Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день во всём мире выращивание плодов граната составляет 3086 тыс. т. в год, в том числе: в Индии – 900 *тыс.т*, Иране – 800, Китае – 290, Турции – 220, США – 200, Пакистане – 120, Афганистане – 90, Тунисе – 85, Азербайджане – 82, Сирии – 79, Узбекистане – 60 *тыс.т*<sup>1</sup>. По этой причине многие научные работы направлены на интенсивное внедрение работ по переработке гранат на сок, концентрат и продукцию другого ассортимента, научные основы которых в настоящее время разрабатываются.

Сегодня по всему миру для внедрения в ежедневный рацион питания человека ведутся исследования в актуальном направлении по созданию научных основ разработки современной технологии переработки плодов граната как продуктов, богатых витаминами, микро- и макроэлементами, позволяющими максимально сохранять натуральные компоненты плодов в соке и концентрате, улучшать потребительские качества продукции, повышать пищевую безопасность и биологическую ценность, рационально использовать местные ресурсы сырья, обеспечивать конкурентоспособность и снижать себестоимость готовой продукции.

Современные технологии хранения и переработки фруктов и овощей, производство экспортно-ориентированных соков внедрены в пищевую промышленность республики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан установлены задачи «углубления структурных реформ и динамичное развитие сельско-хозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>2</sup>. В этом плане научные исследования по разработке технологий производства экспортируемой продукции имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан № УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», ПКМ Республики Узбекистан № 251 от 29 августа 2015 года «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на 2015-2020 годы», № ПП-2716 от 6 января 2017 года «О дополнительных мерах по развитию организации мощностей хранения и глубокой переработки плодоовощной продукции в 2017-2018 годах», ПКМ Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативных документах,

<sup>1</sup> <http://www.ozon.ru/context/detail/id/5150020/>

<sup>2</sup> УП-4947 Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Научными исследованиями по переработке граната на сок, его осветлением, улучшением качественных показателей, повышением выхода готовой продукции занимались А.С. Карашарлы, Л.Б. Габбасова, Т.А. Лысогор, Джорж Абдалла Ботрус, Г.К. Гафизов, Л.Г. Семочкина, Бенамара Салем, Хайдар Хасан, С.Х. Абдураззакова, Р. Нормаматов, К.О. Додаев и др.

Ими осуществлены научно-исследовательские работы по комплексной переработке плодов граната, повышению выхода сока и концентрата, определению оптимальных режимов процесса осветления сока, направленные на повышение уровня производства гранатовой продукции на базе современных технологий.

Вместе с тем ведутся научные исследования по разработке технологии, учитывающей возможность сохранения натуральной цветности гранатового сока с нормализованной кислотностью сока, обеспечивающей понижение показателя мутности, с применением анионообменного и ферментативного способов устранения биополимеров, препятствующих производству качественного гранатового сока.

